

АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ ФРАНЦИЯ ТАЖРИБАСИ

Хабибулло Ибодуллаевич Ражабов

Тошкент давлат транспорт университети, доцент

rhabibullo@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада жаҳон ахборот маконида ўзининг ўрни, нуфузини кучайтириш, миллий манфаатларини таъминлаш борасидаги Франция тажрибаси рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар асосида кўрсатиб берилади. Мазкур тажрибани миллий тараққиёт йўлида фойдаланишга доир тавсиялар илгари сурилади.

Калит сўзлар: Глобал тараққиёт, ахборот омили, жаҳон ахборот макони, миллий манфаатлар, давлатнинг ахборот сиёсати, ахборот сиёсатининг Франция тажрибаси.

ABSTRACT

The article, based on figures, facts and other information, shows France's experience in strengthening its position and influence in the global information space and ensuring its national interests. Recommendations have been put forward to use this experience for national development.

Keywords: Global development, information factor, global information space, national interests, state information policy, French experience in information policy.

КИРИШ

Асримизнинг ўзига хослиги шундаки, инсон ҳаёти ва фаолияти учун энг муҳим бўлган бойликлар қаторида ахборот қайта-қайта тилга олинмоқда. Ҳаттоқи, ахборот омили дунёда кечаётган жараёнларга таъсир ўтказувчи, уни бир томондан иккинчи, бошқа томонга буриб юбориш хусусиятига эга бўлган бирламчи восита сифатида эътироф этилмоқда. Замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, муайян мамлакатнинг стратегик режаларини амалга оширишда ундан унумли фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараённи қуидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ахборот оқимларининг ортиб бориши, кучайиши ва таъсир доирасининг кенгайиши ўзига хос, кутилмаган натижаларни келтириб чиқармоқда. Ахборот



субъектлари томонидан муайян давлатнинг, жамиятнинг дунёқараси, онги ва тафаккурини ўзгартиришга бўлган уринишлар сони ортмоқда;

Иккинчидан, бир давлатнинг иккинчи бир давлатга нисбатан аниқ бир мақсадни кўзлаб тазийқ ўтказишини қўллаб-қувватлашда ахборотнинг техник ва мафкуравий имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Киберхуружлар воситасида давлатларнинг молиявий муассасалари, хавфсизлик ва бошқа турли идораларининг сайпларини бузиб кириш, зарап етказиш, мамлакатни обўйсизлантиришнинг асосий воситаси сифатида кўрилмоқда;

Учинчидан, муайян давлат, шахс, жамият, миллатнинг фақат ўзига тегишли бўлган хусусиятлари, маданияти, анъаналаридан бегоналаштириш орқали ўзининг ғоявий таъсир доирасига туширишга бўлган уринишлар жаҳонда гегемонликка бўлган интилишларнинг асосий воситаси сифатида қаралмоқда;

Тўртинчидан, олиб борилаётган ҳарбий операцияларни ахборот орқали қўллаб-қувватлаш натижасида хақиқий вазиятни сохталаштириш, жамоатчилик фикрини ўзгартириш, кам маблағ сарфлаб улкан натижаларга эришишнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланилмоқда;

Бешинчидан, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралashiш, мамлакатдаги мавжуд табиий ресурсларни ноқонуний ўзлаштириш, муайян давлат ҳудудини ўзлаштириш ҳисобига ўзининг географик территориясини кенгайтириш жараёнида мамлакатда мавжуд конституцион тузумни издан чиқаришда ахборотнинг ноқонуний воситалари қўлланилмоқда.

Глобал ахборот маконида қайсиdir давлат таъсир ўтказувчи, қайсиdir мамлакат эса ташқи таъсирлардан ҳимояланувчи ролини бажармоқда. Шундай экан, жаҳон глобал ахборот маконида ўз қатъий позициясини сақлай олган мамлакатгина ўзининг келажак режаларини, стратегик дастурларини амалга ошира олади. Ушбу парадокснинг моҳиятидан келиб чиқиб, ахборот технологияларининг энг замонавий воситаларини қўллай олган, ўзининг стратегик дастурларини ахборот кўмагида амалга ошираётган давлатлар тажрибасини ўрганиш, ўзлаштириш тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ахборот сиёсатини самарали олиб боришнинг ривожланган давлатлар тажрибаси деганда асосан ички ва ташқи сиёсатини олиб боришида ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланувчи мамлакатлар назарда тутилади. Шундай давлатлардан бири сифатида Францияни келтириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аввало, шуни айтиш керакки, Франция ўтган аср бошларидан XX асрнинг ўрталаригача ўзи томонидан колонияга айлантирилган ҳудудларда (асосан Африка) мавқенини мустаҳкамлаш, мазкур сиёсатнинг ўз фуқаролари томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш мақсадида миллий ахборот инфратузилмасини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезди. Мазкур жараёнда икки муҳим жиҳатни таъкидлаш жоиз. **Биринчиси**, Африка қитъасида ўз манфаатларини рўёбга чиқариш истагида бўлган бошқа ғарб мамлакатлари ахборот майдонида Франциянинг “қора қитъа”даги ҳатти-ҳаракатларини агрессив босқин сифатида асослашга бўлган уринишларига қарши турал олувчи самарали ахборот инфратузилмасини яратиш зарурати бўлса, **иккинчиси**, мамлакат фуқаролари ўртасида урушни қораловчи, унинг аянчли оқибатларини кенг жамоатчиликка тушунтиришга уринаётган зиёлилар, муҳолифат вакилларига ҳарбий ҳаракатларни ёқлаб чиқувчи ОАВнинг фаолиятига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам муҳим эди. Мамлакатни янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сари етаклаган Шарль де Голлнинг “Жаноб журналистлар, мен сизларни газетангизни ўзим нима ҳақида ўйлаётганимни билиш учун ўқийман” деган фикрлари замирида давлат ўзининг қудратли ахборот машинасиз юксак мэрраларга ета олмаслигига ишорадир.

Франция давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашда ахборот имкониятлардан юкори даражада фойдаланиш мақсадида ОАВни давлат томонидан молиялаштирилиши белгиланган. О. Судоргиннинг айтишига кўра, “Францияда миллий телерадиоканаллар давлат монополияси ихтиёридадир. Фақатгина 1982 йилга келиб қонунчиликка ўзгаришиш киритилиб, давлат ОАВларининг қисман хусусийлаштирилиши белгиланди”[1]. Бироқ, хусусий ОАВларнинг шаклланиши ва ривожланиши ўтган асрнинг сўнггида амалга ошиди. “Ана шу вақтдан бошлаб Франция телевизион тизимидағи ўзгаришлар ўша давр сиёсий ўзгаришларига, ўзига хос “мафкуравий маёқ”ка мувофик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлди: давлат сектори – хусусий сектор. Ўнг либерал кўпчилик томонидан ТФ-1 компаниясининг хусусиялаштиришига жавобан сўл сиёсий кучлар Франс Телевизион компаниясининг биргаликлаги бошқарувини жорий этиб, бу ТФ-1 нинг тобора қучайиб бораётган таъсирини камайтиришга қаратилган эди” [1].

Ўтган асрнинг муҳим воқеаларидан бири – бу қудратли мамлакатлар томонидан ривожланишдан ортда қолаётган мамлакатларни ўз манфаатлари йўлида уларнинг табиий ва бошқа ресурсларидан фойдаланиш мақсадида ҳарбий, мафкуравий,

маданий ва бошқа воситалар ёрдамида ўзига тобе қилиш кучайганлиги билан характерланади. Бу борада АҚШ, Британия, Испания, Португалия ва бошқа давлатларнинг ҳатти-ҳаркатлари тарихдан маълум.

Европанинг аксарият мамлакатлари каби Франция ҳам ташқи маконда ўзининг позициясини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берган. Ушбу йўналишда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш билан бир қаторда, француз тили ва маданиятини тарғиб қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Бу орқали, Европада ва жаҳонда француз тилида гаплашувчи инсонларни кўпайтириш, миллий тилни жаҳон тилларидан бирига айлантириш бош мақсад сифатида қаралган. Мазкур йўналишдаги йирик лойиҳалардан бири “Франкофония” (французча - l'Organisation internationale de la Francophonie (OIF) француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар иттифоқининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу лойиҳа француз тилида мулоқот қилувчи 54 мамлакатнинг маданияти, миллий хусусиятлари француз манфаатлари асосига қурилган дейишга асослар етарли. Шу билан бирга, халқаро майдонда Францияга рақиб бўлган бошқа юқорида номлари келтирилган мамлакатларга нисбатан Франциянинг стратегик устунлигини таъминлаган.

Россиялик тадқиқотчи Н Журавлеванинг бу борадаги фикрлари эътиборга молик: “Франкофония Франциянинг буюк давлат мақомига даъвосини кучайтиради ва Европа Иттифоқи доирасида ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Франциянинг Франкофония сиёсатини амалга ошириш орқали эришадиган асосий натижалари, биринчи навбатда, “француз дунёси”нинг геосиёсий “базасини” кенгайтиришдадир. Унинг асосий марказлари бугунги кунда Европа франкофонлари (французлар, валонлар, франко-швейцариялар), американлик франкофонлари (француз канадаликлар) ва африка франкофонлари (собиқ Франция мустамлакаларининг бир қатор аҳолиси) ҳисобланади”[2].

1970 йилда асос солинган мазкур лойиҳа Франциянинг ахборот-мафкуравий макондаги устунлигини таъминлади. Шундай қилиб, Франкофония глобал ахборот, маданий-мафкуравий ва сиёсий лойиҳа кўринишида, бошқа воситалар қатори Франция ташқи сиёсатининг қўллаб-қувватловчи куч сифатида муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда. Журавлевага кўра, Франкофония ташқи ахборот сиёсатининг ҳақиқий тарғиботчиси сифатида “Англия-Америка дунёсига мафкуравий қарама-қаршилик вазифасини бажаради. У ўзини маданий хилма-хилликни ҳимоя қилиш ва универсал “кўп қутбли маданий ватан” яратишга қаратилган энг муваффақиятли лойиҳалардан бири сифатида эълон қилишга муваффақ бўлди. 2) Франкофония ҳам Франция давлатининг, ҳам

нодавлат ташкилотлари кенг тармоғининг муҳим ва самарали фаолиятига айланди”[2].

Франция ахборот сиёсатида киберхавфсизлик масалалари ҳам барча ривожланган мамлакатлар сингари асосий ўринда турувчи воситалардан биридир. Франциянинг миллий ракамли хавфсизлик стратегиясида “Ҳар қандай молиявий муассасалар, шунингдек, жисмоний шахслар учун хавфсиз кибормакон”[3] яратишга устувор аҳамият берилган бўлиб, ички хавфсизликни таъминлашга қаратилган “рақамли автономия стратегияси”га ўтиш зарурати белгилаб қўйилган. “Рақамли автономия” интернетнинг турли хавфхатарларидан холи бўлиш имконини беради. Бироқ, “рақамли автономия стратегияси” Францияда киберхавфсизликни таъминлашга қаратилган ягона лойиха эмас. “2011 йилда Молия вазирлигига қилинган киберхужумларга муносабат сифатида Франция ўзининг биринчи ихтисослашган стратегияси – “Ахборот тизимларининг мудофааси ва хавфсизлиги тизими”ни ишга туширди. Шунингдек, ҳукumat томонидан мамлакатнинг кибермудофаа салоҳиятини сақлаб қолиш Бешинчи Республиканинг стратегик автономияси ва халқаро нуфузини сақлаб қолиш билан бевосита боғлиқ деган ғояни ишлаб чиқилди”[4]. Юқорида келтирилган ҳужжатларнинг ўзига хос томони шундаки, ишлаб чиқилган миллий кибермудофаа тизими интернет орқали амалга ошириладиган киберхужумлар таъсир доирасидан ташқарида бўлиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Ахборот сиёсатининг Франция тажрибасини кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнида мазкур сиёсатнинг қуйидаги муҳим жиҳатлари алоҳида қайд этиш ёхтиёжи туғилмоқда:

Биринчидан, тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан шу маълум бўлмоқдаки, миллий ривожланиш йўли ва стратегиясини ишлаб чиқишида ахборот омилиниң имкониятларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш кутилган ижобий натижаларга эришиш имконини беради;

Иккинчидан, мамлакатда “рақамли стратегия”ни ишлаб чиқиш ва унинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, амалга ошириш давлатни ахборот сиёсатининг энг муҳим устувор вазифаларидан биридир. Мазкур стратегия шахс, жамият ва давлатнинг глобал интернет тармоғи орқали уюштириладиган киберхужумларидан ҳимоя қилувчи самарали воситадир;

Учинчидан, халқаро тажрибага кўра, барча давлат ва нодавлат муассасалари ҳамда ахборот субъектлари ўртасида

аниқ ва режали ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши жамиятда ахборот таҳдидларининг барча қўринишларига қарши тура оладиган тизимни яратиш, шакллантириш учун муҳим восита бўлиб хизмат қиласди;

Тўртинчидан, фуқароларга ахборот хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг иктисадий, сиёсий, ҳукуқий имкониятларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш орқали миллий ахборот контентини жаҳон стандартларига мослигини таъминлаш. Ахборот сиёсатини миллий давлатчилик анъаналари учун хизмат қиласидан замонавий моделларини яратиш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланишига қаратилган миллий дастурларни ишлаб чиқиши давлатнинг барқарорлиги кафолатидир;

Бешинчидан, мамлакатнинг “рақамли суверенитети”ни мустаҳкамлашга қаратилган илмий изланишларни молиялаштириш, киберхавфсизликни таъминлашнинг назарий-методологик асосларини ривожлантиришнинг халқаро тажрибасини ўрганиш, миллий хусусиятларга мос жиҳатларини ўзлаштириш орқали кибормаконда мустаҳкам ва қудратли давлат бўлиб қолишининг асосий йўлларидан биридир.

REFERENCES

1. Судоргин О. А. Современная информационная политика государства: мировой опыт и российская практика//диссертация на соискание ученой степени доктора политических наук. Москва, 2011. С-147.
2. Журавлёва Нина Николаевна. Информационная политика государства по продвижению национальной культуры за рубежом (на примере России и Франции). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. Санкт-Петербург 2008. С-22.
3. French National Digital Security Strategy. URL: https://www.ssi.gouv.fr/uploads/2015/10/strategie_nationale_securite_numerique_en.pdf.
4. [https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/frantsiya kiberrespublika-na-marshe](https://russiancouncil.ru/analytics-and-comments/analytics/frantsiya-kiberrespublika-na-marshe).